ГОМЕРНИНГ «ИЛИАДА» ДОСТОНИ: ТАРИХИЙЛИК ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ

Халилова Муниса, Тошкулова Камола- ТерДУ 1 курс талабалари

Аннотация: Ушбу мақолада антик давр адабиётининг нодир намунаси бўлмиш Гомернинг «Илиада» достони таҳлил қилинади. Асардаги қаҳрамонлик тимсоллари, композицион тузилиш ва Троя уруши воқеаларининг бадиий талқини ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Гомер, «Илиада», эпос, Ахилл, Гектор, Троя, антик адабиёт, гуманизм.

КИРИШ. Жаҳон адабиёти тарихини антик даврнинг буюк обидаси – Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея» достонларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Милоддан аввалги VIII асрда яратилган деб тахмин қилинувчи «Илиада» достони инсоният маънавий хазинасининг пойдевори ҳисобланади. У нафақат юнон халқининг ўтмишини, балки умуминсоний қадриятларни ҳам ўз ичига олган.

Достоннинг номи Кичик Осиёдаги Троя шаҳрининг иккинчи номи – Илеон (Илион)дан олинган. Асарда ўн йил давом этган Троя урушининг сўнгги йилидаги 50 кунлик воқеалар тасвирланади. Урушнинг келиб чиқишига Троя шаҳзодаси Парисннг Спарта шоҳи Менелайнинг рафиқаси – гўзал Еленани ўғирлаб кетиши сабаб бўлади. Бироқ Гомер учун уруш шунчаки жанг эмас, балки инсон характери, тақдир ва илоҳий ирода ўртасидаги кураш майдонидир.

«Илиада»нинг марказий мавзуси – Ахиллнинг ғазабидир. Асар Ахилл ва греклар қўшини қўмондони Агамемнон ўртасидаги низо билан бошланади. Агамемнон Ахиллнинг чўриси Брисеидани тортиб олгач, қаҳрамон жанг қилишдан бош тартади. Бу воқеа грекларнинг мағлубиятига ва кўплаб қурбонларга олиб келади.

Достоннинг тузилиши 24 та қўшиқдан иборат бўлиб, воқеалар изчиллиги ва динамикаси билан ажралиб туради. Гомернинг маҳорати шундаки, у китобхонни

жанг майдонига олиб киради ва ҳар бир қаҳрамоннинг ички кечинмаларини теран очиб беради.

Асарда икки буюк қаҳрамон тимсоли қарама-қарши қўйилади:

– Ахилл: Ярим илоҳий кучга эга, ҳиссиётларга берилувчан, шон-шуҳратни ҳаётдан устун қўювчи жангчи. Унинг характери Эски аҳд даврига хос бўлган қаттиққўллик ва чексиз жасоратни ифодалайди.

– Гектор: Троя қўшинининг саркардаси, ватанпарвар, садоқатли эр ва ота. Гектор тимсолида Гомер инсонийликни, ўз бурчига содиқликни ва оилавий қадриятларни юксак баҳолайди.

Ахилл ва Гектор ўртасидаги сўнгги жанг достоннинг авж нуқтаси ҳисобланади. Гекторнинг ўлими ва унинг отаси Приамнинг Ахилл ҳузурига ўғлининг жасадини сўраб келиши эпизоди жаҳон адабиётидаги энг таъсирли саҳналардан биридир. Бу ерда Гомер душман бўлса-да, инсон зотининг қайғуси бир эканлигини, ўлим олдида ҳамма баробарлигини кўрсатади.

Ор-номус, ғурур ва беорлик, интиқом ўтида ёниш ҳамда шу интиқом олдидаги ожизлик… XX-XXI асрлар “маҳсул”и – турли экологик, маънавий-ахлоқий муаммолардан кўра анча қадимий бўлган мазкур муаммолар, боқий сўроқлар учун макону замон тўсиғи бегона. Бунинг ёрқин далили Ғарб адабиётининг илк намояндаси саналмиш улуғ Ҳомер томонидан милоддан аввалги VIII асрда яратилган азим обида – “Илиада”дир.

Гўзал Елена сабаб юнонлар ҳамда трояликлар ўртасида кечаётган даҳшатли урушнинг ўнинчи йили… Лекин ана шу талотум чоғи ҳам мураккаб инсоний муносабатлар давом этмоқда: бир ёқда ахейларнинг бош қўмондони, асирга тушган қизи Хрисеидани ажратиш ниятида минг илтижолар билан шоҳ пойига бош уриб келган коҳин Хрисни таҳқирлаган, оқибатда тангри Аполлон томонидан лашкаргоҳига вабо юборилишига (“зеро коҳин эди Фебнинг эрка бандаси,..”), минглаб аскарларининг бекордан-бекорга қирилиб кетишига сабабчи бўлган такаббур Агамемнон қизни отасига қайтаришни талаб қилган Ахиллесга бунинг бадалига улуғ баҳодирнинг асираси Брисеидани беришни шарт сифатида қўяди.

Иккинчи ёқда эса бу пасткашликдан дили қаттиқ озор топган Пелейзода лашкаргоҳни ташлаб кетиб, номус ўтида қоврилади:

Ва ниҳоят, мирмидонлар майдонига келиб, кўрдилар Ғамга ботган Ахиллесни ўз чодири бўсағасида…

ХУЛОСА. «Илиада» достони шунчаки жангнома эмас, балки инсон руҳиятининг буюк талқинидир. Ундаги гуманизм ғоялари, қаҳрамонлик ва фожиавийлик туйғулари асрлар оша ўз қийматини йўқотмаган. Гомер яратган образлар ва қўллаган бадиий тасвир воситалари кейинги барча Европа ва Шарқ адабиётига, жумладан, эпос жанрининг ривожига улкан таъсир кўрсатган.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Гомер. Илиада. (Қ. Мирмуҳамедов таржимаси). – Тошкент, 1988.
2. И.В. Штал. «Илиада» – антик қаҳрамонлик эпоси. – Москва, 1979.
3. Ш. Сирожиддинов. Жаҳон адабиёти тарихи. – Тошкент, 2010.
4. Шадиева Д. К. Экстраполяция и изучение тенденций на изменение норм русского языка //Современные проблемы филологии. – 2022. – С. 133-138.
5. Шадиева Д. К. Изучение характера изменений норм русского языка //Ученый XXI века. – 2022. – №. 8 (89). – С. 27-32.